



20 20 у. «9» июль

№ Қ-329

« » 20 г.

Термиз тумани “Мустақиллик” маҳалласи худудидан “MADINA JASMIN SURXON” хусусий корхонасига “Иссиқхона” қуриш ва “Интенсив боғ” барпо этиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/313-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 1 июндаги 01-08/231-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/313-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Мустақиллик” маҳалласи худудидан “MADINA JASMIN SURXON” хусусий корхонасига туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 51ақ-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 42,0 балл бонитетли жами 13,0 гектар суғориладиган экин ер майдон, шундан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида “Иссиқхона” қуриш учун 2,0 гектари вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ва “Интенсив боғ” барпо этиш учун 10,0 гектари доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “MADINA JASMIN SURXON” хусусий корхонаси раҳбари Р.Тошпўлатовга:

ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши:

мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

